# Qishloq hayoti

2012 йил Мустаҳкам оила йили

*Қишлоқ ҳаёти*

*O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi* www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 18-SENTABR, SESHANBA, 109 (8034) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Фурқат туманидаги балиқчиликка ихтисослашган "Наргиза" фермер хўжалиги томонидан шу йилнинг ўзида тўрт тоннадан ортиқ балиқ маҳсулотлари эл дастурхонига етказиб берилди. Фермер Бахтиёржон Маҳмудов раҳбарлигидаги хўжалик аъзолари келгусида ўрдак парваришлашни, сўнгра эса қорамол боқишни ҳам йўлга қўйишмоқчи. 2



"Экосан" халқаро хайрия жамоат фонди, Чимбой тумани ҳокимлиги ҳамда "Ер ости сув булоғи" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорликда амалга ошираётган лойиҳага мувофиқ, туман марказидаги А.Турумбетов кўчасида 2 километрлик сув тизимини тортиш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, 264 хонадонни тоза ичимлик суви билан таъминлаш яхшиланади. 3



Бухоро Аркида бошланган таъмирлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Яқин кунларда сўнгги пардозлаш ишлари бошланади. Шундан сўнг, асл қиёфаси тикланган тарихий обида сайёҳлар ва меҳмонларни ўз бағрига чорлайди. 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 2012 йил 19-21 сентябрь кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлади.

Ташриф чоғида икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни кенгайтириш истиқболларини, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Учрашув ва музокаралар якунлари бўйича Қўшма баёнот, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги муносабатларнинг устувор соҳаларидаги мулоқотни чуқурлаштиришга йўналтирилган ҳужжатлар имзоланади.

▼ ҚАРОР ВА ИЖРО

## ЎЗБЕКИСТОНДА АКТ ҲАФТАЛИГИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Мамлакатимизда 24-28 сентябрь кунлари Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида муҳим воқеа – "InfoCom Uzbekistan – 2012" Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ҳафталиги бўлиб ўтади. Соҳани такомиллаштиришга қаратилган қатор тадбирларни ўз ичига олган ушбу ҳафталик АКТ мутахассислари ҳамда кўп сонли ахборот ресурсларидан фойдаланувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси томонидан ташкил этилмоқда.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий, жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ахборот маконини шакллантириш масалалари ўз ифодасини топган.

Мазкур ҳужжатда яқин келажакда мамлакатимизда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш йўллари аниқ белгилаб берилган бўлиб, бу миллий ахборот жамиятини ташкил қилиш борасида изчил ишларни амалга ошириш имконини бермоқда.

АКТ ҳафталиги жорий йил 5 августда бошланган "UZ" миллий домени интернет-фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими билан очилади. Тадбир 24 сентябрда пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтади. Ўтган йиллардаги каби Ўзбекистон аҳолисининг кенг қатламлари орасида интернетни оммалаштириш, миллий контентни ривожлантириш ва жаҳон ахборот тармоғида ўзбек тилини қўллаш соҳасини кенгайтиришга кўмаклашиш фестивалнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Сайтларни баҳолаш учун интернет-технологиялар, санъат, маданият, давлат бошқаруви ва бошқа соҳаларнинг малакали мутахассисларидан иборат ҳайъат ташкил этилди.

Фестивалнинг танлов дастури 10 та мавзуга оид ва 3 та махсус номинацияни ўз ичига олади. Бу йилги танлов дастурига ҳар бир мавзу бўйича 10 номинация иштирокчилари учун WWW.UZ миллий излаш тизимининг махсус мукофотлари киритилган. Ушбу махсус номинация бўйича маълум вақт ичида ҳар бир мавзудаги номинация иштирокчилари орасида энг кўп балл тўплаган 10 та сайт ғолиб деб топилади.

(Давоми 2-саҳифада)

Наманган Вилояти

## ЧУСТКЎПРИКДА ЯНГИ ДАҲА

***Мамлакатимизда қишлоқлар қиёфасини тубдан янгилаш, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, зарур ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида барпо этилаётган намунавий лойиҳадаги аҳоли пунктлари чиройда шаҳарлар билан бўйлашаётир.***





Шундай кўркам мавзелардан бири Наманган вилояти Тўрақўрғон туманининг Сайрам қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Чусткўприк маҳалласида бунёд этилди. Унда дастлаб қуриб битказилган 50 турар-жой мавжуд шарт-шароитлари билан аҳолига манзур бўлган эди. 2011 йили лойиҳанинг кейинги навбати амалга оширилиб, яна 27 ана шундай уй-жой фойдаланишга топширилди.

"Ахсикент-2" дея номланган янги даҳада замонавий турар-жойлар қаторида инфратузилма объектлари ҳам қад ростламоқда. Айни пайтда бу ерда кундалик эҳтиёж моллари дўкони ҳамда тикувчилик устахонаси фаолият кўрсатаётир. Даҳада янги мактаб биноси барпо этилмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** *«Қурувчи» кўп тармоқли хусусий корхонасида иш юритувчи Акрамжон Мадаминов ва бригадир Абдулҳафиз Мамажонов.*

*Наманган вилояти Тўрақўрғон туманининг Сайрам қишлоқ фуқаролар йиғини Чусткўприк маҳалласидаги "Ахсикент-2" даҳасида.*

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

Сурхондарё Вилояти

▼ КИЧИК БИЗНЕС

## БАНК КРЕДИТИ КЎМАГИДА

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг изчил қўллаб-қувватланаётгани соҳа ривожида муҳим омил бўлмоқда.**

Сурхондарё вилоятининг олис туманларида ҳам тадбиркорлар тижорат банкларининг кредит маблағларидан самарали фойдаланиб, замонавий ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини йўлга қўймоқда.

Узун туманидаги "Tumaris Istiqbol Tekstil" хусусий корхонаси "Микрокредитбанк"-нинг вилоят филиалидан ажратилган 50 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи эвазига хориж технологияси билан жиҳозланди.

Болалар учун кийим-кечак, пайпоқ ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар арзон ва сифатлилиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

– Жорий йилнинг ўтган даврида корхонамизда етмиш миллион сўмликдан ортиқ, 16 турдаги кийим-кечаклар ишлаб чиқарилди, – дейди хусусий корхона раҳбари Дилафрўз Тўхтасинова. – Тайёр маҳсулотлар пешма-пеш буюртмачиларга етказиб берилаётир. Айни пайтда тижорат банкининг қўшимча кредит маблағи эвазига хориждан мато тўқишга ихтисослашган дастгоҳлар келтириб ўрнатишни мўлжаллаяпмиз.

Корхонани қўшимча ускуналар билан жиҳозлаш натижасида 40 дан ортиқ янги иш ўрни барпо этилди. Уларнинг кўпчилигини жорий йилда Узун маиший хизмат касб-ҳунар коллежини тугатган ёшлар ташкил этади.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

НаВоий Вилояти

## ЗАМОНАВИЙ БУҒ-ГАЗ ҚУРИЛМАСИ

**«Навоий иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқариш қуввати 478 мегаваттга, ёки 478 минг квтга тенг энг замонавий буғ-газ қурилмасини барпо этиш бўйича йирик инвестицион лойиҳа амалга оширилмоқда. Қиймати 468 миллион АҚШ доллари миқдоридаги мазкур лойиҳа асосида қурилиш ишлари 2009 йилда бошланган эди.**

Мутахассисларнинг фикрича, янги қувватнинг ишга туширилиши «Навоий ИЭС» ОАЖда электр энергия ишлаб чиқариш қувватини бир ярим бараварга оширади. Бу эса, биринчи навбатда, Навоий эркин индустриал иқтисодий зонасида электр энергияси таъминотини янада яхшилашга хизмат қилади.

— Инвестицион лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш учун Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ҳамда бошқа ташкилотларнинг маблағлари йўналтирилди, — дейди «Навоий ИЭС» ОАЖ ахборот хизмати бошлиғи Истам Ҳамроев. — Шу билан бирга «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси Испаниянинг «Инитек энергия» ва Туркиянинг «Чалик энержи» компаниялари ўртасида консорциум шартномаси имзоланди. Унга мувофиқ томонлар иншоотнинг ўз вақтида қуриб битказилиши учун зиммаларидаги барча вазифаларни аниқ ва сифатли бажарадилар.

«Инитек энергия» компаниясининг консорциумдаги мажбурияти лойиҳалаш, ўрнатиладиган қурилмаларни жамлаш, лойиҳа ижросини назорат қилиб бориш ва ишга туширишдан иборат бўлса, қурилиш-монтаж ишларини «Чалик энержи» компанияси ўз зиммасига олган. Қурилиш жараёнига ўндан ортиқ ёрдамчи пудратчилар ҳам жалб этилиши натижасида ишнинг энг қизғин палласида қурувчилар сони минг нафардан ҳам ортиб кетди.

Замонавий буғ-газ қурилмасини бунёд этишда Япониянинг дунёга машҳур «Мицубиси» компанияси ҳам иштирок этмоқда. Бу компания ўртадаги ҳамкорлик консорциумига мувофиқ буғ-газ трубинасини генератор билан жамланган ҳолда етказиб берди. Аҳамиятлиси, мазкур қурилма «Мицубиси» компанияси томонидан ишлаб чиқарилаётган шу турдаги маҳсулотлар ичида энг замонавийи эканлигидир.

Айтиш керакки, мамлакатимиз энергетика тизимида молиявий ҳамда географик жиҳатдан бундай кенг кўламли лойиҳа илк бор амалга оширилаяпти. Лойиҳани рўёбга чиқариш гуруҳи ҳар куни техник, ҳуқуқий, молиявий ва транспортга оид кўплаб муаммоларни ҳал этмоқда. Жараёнда иштирок этаётган станция мутахассисларининг эса тажрибалари ошиб боряпти.

Янги буғ-газ қурилмаси ҳозирги кунда ишлаб турган қувватларга нисбатан икки баравар тежамкорлиги билан аҳамиятлидир. У йилига минглаб кубометр табиий газни тежаб, маҳсулот таннархини пасайтириш имконини яратади. Қурилманинг экологик ва хавфсизлик жиҳатидан дунё стандартларига тўлиқ жавоб бериши унинг қимматини янада оширади.

Янги қурилманинг ишга туширилиши мамлакатимиз энергетика тизимининг салоҳиятини янада ошириб, иқтисодий тараққиётга хизмат қилади.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Qishloq hayoti» мухбири.**

## Куннинг муҳим воқеалари

▶ Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан ҳамкорликда тест синовларини ўтказиш борасида орттирилган тажриба, бу жараёнда холисликни таъминлаш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

▶ **Тошкентда Халқаро озон қатламини муҳофаза қилиш куни ва Монреаль протоколи имзоланганининг 25 йиллигига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

▶ Самарқанд шаҳридаги «Чорсу» галереясида Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, таниқли рассом Ориф Муинов хотирасига бағишланган кўргазма иш бошлади.

Қорақалпоғистон Республикаси

# ХАЙРЛИ ИШЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Оролбўйи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида "Экосан" халқаро хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан қатор хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда.

"Экосан" халқаро хайрия жамоат фонди, Чимбой тумани ҳокимлиги ҳамда "Ер ости сув булоғи" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорликда 87,5 миллион сўмлик лойиҳани амалга ошириш бўйича шартнома имзоланган эди. Ушбу лойиҳага мувофиқ бугунги кунда 60 миллион сўмлик маблағ ажратилиб, туман марказидаги А.Турумбетов кўчасида 2 километрлик сув тизимини тортиш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, 264 хонадонни тоза ичимлик суви билан таъминлаш яхшиланади.

— "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда, — дейди "Экосан" халқаро хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори Нурлибек Мирзамуратов. — Жумладан, яқинда фонд томонидан умумий нархи 2,1 миллион сўмлик "Тозаден" дизенфекцияловчи моддалар Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиали жамоасига топширилди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!*

## БУХОРО ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**"Когон шаҳар Давлат нотариал идораси ва ФХДЁ бўлими учун янги бино қурилиши"**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати** – 663 415 560 сўм (ҚҚС билан), 552 846 300 сўм (ҚҚСсиз).

**Қурилиш муддати** – 8 ой.

**Қурилиш ишлари** буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Танлов савдоси ташкилотчиси** – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** Бухоро вилояти Адлия бошқармаси

**Манзили:** Бухоро шаҳри И.Мўминов кўчаси 28-уй. Телефон: (8-365) 223-21-20, факс 223-78-51.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй 18-хона. Тел: (8-365) 223-96-29, факс: 223-97-51.**

*Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати – Юз минг сўм.*

Таклифлар (офёрталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри Навоий шоҳ кўчаси 5-уй 18-хона.

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ 2012 ЙИЛ 18 ОКТЯБРЬ КУНИ БОШЛАНҒИЧ НАРХИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎСИБ БОРИШ ТАРТИБИДАГИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Аукцион савдоларига Тошкент ш., Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107-уйда жойлашган «Ўзэкспомарказ» ОАЖ МКК балансидаги 1999й. и/ч, д/р 01/403FBA, бошланғич нархи 12 337 509 сўм бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 9049 2931 8002 ҳисобрақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисобрақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган харидорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй. Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биноси, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ 2012 ЙИЛ 22 ОКТЯБРЬ КУНИ СОАТ 12:00 ДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдоларига суд ижрочилари Бухоро шаҳар бўлими томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

ЖИБ Самарқанд вилояти судининг 12.04.2011 йилдаги 2-21-сонли ижро ҳужжатига асосан "Когон таъминот савдо" МЧЖ омборхонасида сақланаётган, Н.Н.Маруповага тегишли, 2009 й. и/ч "Нексия SOHC" русумли, д/р 20 К 522 АА, бошланғич баҳоси 16 918 951 сўм; ЖИБ Бухоро вилояти судининг 24.10.2008 йилдаги 2-92-сонли ижро ҳужжатига асосан "Бухоро глабал" МЧЖ омборхонасида сақланаётган, О.Д.Папоевга тегишли, 2005 й. и/ч "Нексия GI" русумли, д/р 20 Т 0777, бошланғич баҳоси 13 569 400 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йилнинг 6 ноябрь куни соат 12:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00дан 17:00га қадар Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават, Вилоят давлат мулк бошқармаси биносида қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан 1 (бир) кун аввал соат 12:00да тўхтатилади. Аукцион савдолари ушбу бинонинг 4 қаватдаги савдолар залида ўтказилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «Закалат пули тўғрисидаги келишув»га асосан автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги (ижро ҳужжатининг рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда) закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖ Бухоро филиалининг «Турон банк» Бухоро вилояти филиали МФО-00111, СТИР 302083379, 20208000004932168017 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларини топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумот олиш манзили: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.

## «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ АУКЦИОН НАТИЖАЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

2012 йил 31 август куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида Қува тумани СИБ томонидан хатланган, Қува тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган 1996 йилда и/ч "Нексия" русумли, д/р 40 Р 865 ВА, бошланғич баҳоси 9 453 200 сўм бўлган автотранспорт воситаси 10 925 000 сўмга сотилди.

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

2012 йил 28 август куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида Андижон шаҳар, Шимолий саноат даҳасида жойлашган "2508-автосафи" ДУК балансидаги:

1987 йилда и/ч "УАЗ-3151201" русумли, д/р 17 AI 462, бошланғич баҳоси 1 729 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 2 350 000 сўмга сотилди, 1988 йилда и/ч "Д-55" русумли, д/р 17 С 512, бошланғич баҳоси 2 632 000 сўм бўлган автоприцеп воситаси 3 450 000 сўмга сотилди, 1988 йилда и/ч "Д-55" русумли, д/р 17 С 511, бошланғич баҳоси 2 632 000 сўм бўлган автоприцеп воситаси 3 450 000 сўмга сотилди, 1988 йилда и/ч "Д-55" русумли, д/р 17 С 510, бошланғич баҳоси 2 632 000 сўм бўлган автоприцеп воситаси 3 450 000 сўмга сотилди, 1988 йилда и/ч "Д-55" русумли, д/р 17 С 509, бошланғич баҳоси 2 626 000 сўм бўлган автоприцеп воситаси 3 450 000 сўмга сотилди.

2012 йил 31 август куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида Улуғнор тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, Улуғнор тумани СИБ балансидаги 1998 йилда и/ч "Нексия" русумли, д/р 60 К 875 АА, бошланғич баҳоси 6 160 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 7 700 000 сўмга сотилди.

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

2012 йил 5 сентябрь куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида Бухоро шаҳар, Аэропорт кўчаси, 10-уйда жойлашган Бухоро халқаро аэропорти балансидаги 2009 йилда и/ч "Дамас" русумли, д/р 80 746 ВАА, бошланғич баҳоси 1 200 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 1 400 000 сўмга сотилди.

2012 йил 11 сентябрь куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида Бухоро шаҳар, З.Имло кўчаси, 17-уйда жойлашган "Карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази" Бухоро филиали балансидаги: 1987 йилда и/ч "КАВЗ-3720" русумли, д/р 80 972 GAA, бошланғич баҳоси 1 500 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 1 725 000 сўмга сотилди, 1990 йилда и/ч "УАЗ-3962" русумли, д/р 80 974 GAA, бошланғич баҳоси 1 200 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 1 380 000 сўмга сотилди, 1988 йилда и/ч "УАЗ-330301" русумли, д/р 80 976 GAA, бошланғич баҳоси 1 250 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси 1 500 000 сўмга сотилди.

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

2012 йил 15 август куни бўлиб ўтган очиқ аукцион савдоларида Қизилтепа туман СИБ томонидан хатланган, 2005 йилда и/ч "Нексия SOHC" русумли, д/р 21 К 7537, бошланғич баҳоси 6 753 440 сўм бўлган автотранспорт воситаси 7 670 000 сўмга сотилди, 2009 йилда и/ч "Нексия" русумли, д/р 80 Е 565 ВА, бошланғич баҳоси 7 005 002 сўм бўлган автотранспорт воситаси 7 845 000 сўмга сотилди, 1981 йилда и/ч "ВАЗ-2103" русумли, д/р 21 К 3456, бошланғич баҳоси 685 915 сўм бўлган автотранспорт воситаси 800 000 сўмга сотилди.

**Гувоҳнома № 004059**

## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА**

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти, Навоий шаҳар ҳокимининг 2012 йил 31 августдаги Қ-670/08 — сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Боғ яратиш учун, Навоий шаҳар "Тинчлик" қўрғони 2-зона ҳудудида жойлашган 20000 кв.м. бўлган, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 13 680 000 сўм.

**2.** Боғ яратиш учун, Навоий шаҳар "Тинчлик" қўрғони 2-зона ҳудудида жойлашган 10000 кв.м. бўлган, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 6 840 000 сўм.

**3.** Автокорхона биноси қуриш учун, Навоий шаҳар, Инспекторлар кўчаси "Навоийазот" ОАЖ атрофи 2-зона ҳудудида жойлашган 3000 кв.м. бўлган, ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 2 520 000 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Навоий шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган тумансозлик топшириғи асосида белгиланади. Тумансозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2014 йил сентябрь ойига қадар бўлган муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 18 октябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Навоий шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 19 октябрь куни соат 11:00 да очилади ва шу куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 19 октябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йилнинг 2 ва 27 ноябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 2 ноябрдаги танлов учун 1 ноябрь ва 2012 йил 27 ноябрдаги танлов учун 2012 йил 26 ноябрь куни куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Навоий шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 2 ноябрь ва 27 ноябрь куни соат 11:00 да очилади ва шу куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Танлов ташкилотчиси – "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Навоий вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Навоий вилояти, Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси 24-уй, вилоят Давлат мулкини бошқариш бошқармаси биноси. Тел/факс: (8-376) 224-15-61, 224-44-01 электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. **Лицензия № RR 0001.**

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТ "Ипотека банк" Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисобрақами: 20208000504920609007. МФО: 00205, СТИР: 207122519,

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Навоий шаҳар. П.Очилов кўчаси 24-уй.

Мурожаат учун тел: (8-436) 224-44-01. 224-15-61.

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА**

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти, Бувайда тумани ҳокимининг 2012 йил 07 сентябрдаги №434-алоқа хати ва 2012 йил 07 сентябрдаги 125-Ф-сонли фармойишига асосан ер участкалари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга жами 2 (икки) та ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш объекти биноси қуриш учун, Бувайда тумани, Оққўрғон ҚФЙ, Найман қишлоғи, 3-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 3 500 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 1 840 608 сўм. Қурилиш муддати 12 ой.

**2.** Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш объекти биноси қуриш учун, Бувайда тумани, Бувайда ҚФЙ, Бувайда қишлоғи, 3-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 2 000 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 1 051 776 сўм. Қурилиш муддати 12 ой.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бувайда тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 18 октябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бувайда тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 19 октябрь куни соат 11:00 да очилади, 2012 йил 19 октябрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар ҳокимининг 2012 йил 06 сентябрдаги №1220-алоқа хати ва 2012 йил 18 августдаги 167-Ф-сонли фармойишига асосан ер участкалари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга жами 7 (етти) та ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, автосалон ҳамда кичик футбол майдони қуриш учун, Марғилон шаҳар, Наврўз МФЙ, Янги ҳаёт кўчаси, 3-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 4 500 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 2 533 073 сўм.

**2.** Маиший воситалар ишлаб чиқариш цехи, хомашё омбори ва фирма дўкони қуриш учун, Марғилон шаҳар, Наврўз МФЙ, А.Набиев кўчаси, 2-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 1 600 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 1 099 800 сўм.

**3.** 1-қаватида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва 2,3,4-қаватлари кўп квартирали уй-жой биноси қуриш учун, Марғилон шаҳар, Наврўз МФЙ, Н.Холматова кўчаси, 2-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 810 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 556 773 сўм.

**4.** Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш цехи ва фирма офиси қуриш учун, Марғилон шаҳар, Турон МФЙ, Янги Фарғона кўчаси, 2-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 10 000 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 6 873 750 сўм.

**5.** Брикет ишлаб чиқариш цехи ва хомашё омбори қуриш учун, Марғилон шаҳар, Наврўз МФЙ, А.Набиев кўчаси, 2-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 600 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 412 425 сўм.

**6.** Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун, Марғилон шаҳар, Ипакчилар шаҳарчаси, Б.Марғилоний кўчаси, 1-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 160 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 129 893 сўм.

**7.** Мева сабзавот дўкони қуриш учун, Марғилон шаҳар, Надирмат МФЙ, Бободеҳқон кўчаси, 1-зона ҳудудида жойлашган, 1 дона 40 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати – 32 473 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Марғилон шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 22 октябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Марғилон шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 23 октябрь куни соат 15:00 да очилади, 2012 йил 23 октябрь куни соат 17:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танлов ташкилотчиси – "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Фарғона вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси 35-уй, "Биржа маркази" биноси. Тел/факс: (8-373) 224-68-70, электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. **Лицензия № RR 0001.** Расмий сайтимиз: www.1kms.uz

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;

— танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: "Халқ банк" Фарғона вилояти филиали, амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисобрақамга тўлашлари шарт: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси 35-уй, "Биржа маркази" биноси.

**Ташкил этилаётган танлов савдолари бўйича савол ёки эътирозларингиз бўлса, қуйидаги ишонч телефонларига мурожаат этишингизни сўраймиз:**
**(+99871) 228-78-96, 228-80-23. Факс: (+99871) 228-80-26. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz**
**«Ko`chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти кўчмас мулк бозорида фаолият кўрсатаётган барча юридик ва жисмоний шахсларни ҳамкорликка таклиф этади.**
**Жамиятимизда сизларга барча турдаги кўчмас мулклар, шу жумладан, уй-жойлар ва квартиралар бўйича юқори даражада сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатилиши кафолатланади.**

Бухоро Вилояти

# АРК ҚАЛЪАСИДАГИ БУНЁДКОРЛИК

**ЮНЕСКОнинг умумжаҳон маданияти мероси рўйхатига киритилган Бухорои шарифнинг 100 дан ортиқ меъморий обидалари истиқлол йилларида қайта таъмирланиб, янада чирой очди. Бу қадимий заминдаги Исмоил Сомоний, Чашмаи Аюб, Сайфиддин Боҳарзий мақбаралари, Минораи Калон, Лабиҳовуз меъморий мажмуалари, Болоҳовуз масжиди, Ситораи Моҳи Хоса саройи ва бошқа ёдгорликлар таъмирланган бўлса, Фатҳобод, Беҳиштиён, Абу Ҳафси Кабир зиёратгоҳлари, Шайх Жалол, Имом, Самарқанд, Саллахона дарвозалари янгидан қурилди.**





Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 мартда қабул қилинган "2020 йилгача Бухоро шаҳрининг маданий мерос объектларини тадқиқ этиш, консервация қилиш, реставрация қилиш ва замонавий фойдаланиш учун мослаштириш бўйича Давлат дастури тўғрисида"ги қарори асл ҳолига қайтарилиши мўлжалланган тарихий обидалар сонини яна биттага кўпайтирди. Бу тарихий иншоот қурилиши милоддан аввалги I асрда бошланган ҳамда ҳозирги қиёфаси XVI асрда шаклланган Бухоро Аркидир. Жорий йил баҳорида табиий таъсирлар натижасида обиданинг чап қанот девор қисми қулаб тушган эди.

Ўтмиш шаҳарсозлигининг ноёб обидаси — Арк қалъасида Бухоро давлат бадиий-меъморий музей-қўриқхонасининг бош экспозицияси жойлашгани ҳамда бу объектнинг юртимизга келаётган хорижий сайёҳлар туристик йўналишига киритилгани боис, бузилган қалъа деворини тезкорлик билан тиклаш ишлари бошлаб юборилган эди.

Пойтахтимиздаги "Мерос чашмаси" унитар корхонаси лойиҳачилари ушбу объектнинг асл қиёфасини сақлаган ҳолда ёғоч, темирбетон, охак, қадимий обиғишт ва бошқа бинокорлик материалларидан фойдаланиб, қалъа деворини аввалгидан ҳам мустаҳкамлаш тархини тайёрлаб беришди.

Ўзбекистон халқ устаси Аҳмад Боймуродов ва Карим Толибов бошчилик қилаётган меҳнат жамоаси объектда таъмирлаш ишларини қизғин олиб боришмоқда. Йигирма нафардан ортиқ уста объектнинг 2,1 метр баландликдаги пойдеворини монолит бетондан бунёд этгач, обиданинг қадимий ғиштларидан қалъа деворини тиклашни бошлаган эди. Ҳозирда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Яқин кунларда сўнгги пардозлаш ишлари бошланади. Шундан сўнг, асл қиёфаси тикланган тарихий обида сайёҳлар ва меҳмонларни ўз бағрига чорлайди.

**Ҳамроз АЛИ**

*Вниманию организаций и предприятий!*

## НАВОИЙСКИЙ ФИЛИАЛ АК «УЗБЕКТЕЛЕКОМ» ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

**На объект: "Строительство здания РУТ Кизилтепинского района Навоийской области".**

**Стартовая стоимость заказчика** без НДС 208 048 533 сум, с НДС 249 658 239 сум.

Срок завершения строительства **45 дней.**

**Заказчик:** Навоийский филиал АК "УЗБЕКТЕЛЕКОМ"

**Расположенный г. Навои ул. Меъморлар – 17 а.**

**Финансирование** осуществляется за счет собственных средств.

## НАВОИЙСКИЙ ФИЛИАЛ ООО "УЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

**На объект: "Строительство почтового узла связи Канимехского района по ул. Навои в п.г.т Канимех".**

**Стартовая стоимость заказчика** без НДС 303 175 565 сум, с НДС 363 810 678 сум.

**Срок завершения строительства** 2 месяца.

**Заказчик:** Навоийский филиал ООО "Узбекистон почтаси" Расположенный г. Навои ул. Х.Дустлиги – 3 а.

**Финансирование осуществляется за счет собственных средств.**

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций, при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достчитываются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга **Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области** по адресу: г.Навои, ул.Гвасалия-2А. Тел.: 225-49-96, 225-47-98.

Стоимость одного комплекта документов 100 000 сум.

Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навои, ул.Гвасалия-2А, тел.: 225-49-96, 225-47-98.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится не менее чем через 30 дней после опубликования объявления.

## Реклама ва эълонлар







Тошкент ш. Бектемир т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан (14.02.2012 й., реестр 001145-02) рўйхатга олинган "DILSHOD MEGA" МЧЖ (СТИР 302205232) 17.09.2012 й.даги № 1-сонли қарорига асосан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда Тошкент ш. Миробод т. Қўйлиқ кўч. 77-уй манзили бўйича қабул қилинади. Тел.: (99893) 505-69-90.

Тошкент вил. Зангиота т. ҳокимининг 13.07.1992 й.даги 3/5 е-сонли қарорига асосан рўйхатга олинган ва Тошкент ш. Ҳамза т. ҳокимининг 30.09.1993 й.даги 528-сонли ва 12.01.2000 й.даги 27-сонли қарорига асосан қайта рўйхатга олинган "ВЕК" Агросаноат илмий компаниясининг ташкилий-ҳуқуқий шакли МЧЖга ўзгарайтганлиги ва "ВЕК" Агросаноат илмий компаниясининг ҳуқуқий вориси сифатида унинг барча ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари юзасидан жавоб беришини маълум қилади.

Утерянный план квартиры, расположенной по адресу: Г. Ташкент Чиланзарский р-н 19 кв-л д. 54 кв-ра 20, выданный Чиланзарским БТИ на имя Чжу Георгия Николаевича, считать недействительным.

"VIP SECURITY" МЧЖ ўз балансидаги NEXIA ва LACETTI русумли автоуловларни сотувга қўяди. Мурожаат учун тел.: 277-20-00.

ООО "RETAIL GROUP" (ИНН 301984999), сообщает об уменьшении Уставного фонда с 413 057 400,50 сум на 3 359 415,00 сум.

"SALIMA ASKAROVA" XKнинг (ИНН 302185544) ҳуқуқий мақоми ва номи "EDUCATION HUB" нодавлат таълим муассасасига ўзгартирилди. "SALIMA ASKAROVA" XKнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича вориси бўлиб "EDUCATION HUB" нодавлат таълим муассасаси ҳисобланади. Манзил: М.Улуғбек т. Ш.Бурхонов кўч. 44-уй. Тел.: 306-30-44.

Тошкент ш. Яккасарой т.да рўйхатга олинган "NURIY TRAVEL" хусусий корхонасининг ҳуқуқий мақоми оилавий корхонага ўзгартирилади.

Утерянную справку № 404 от 04.02.2009 г., выданную кадастровой службой Учтепинского р-на на продажу квартиры по адресу: Учтепинский р-н 23 кв-л д. 34 кв-ра 57 на имя Исаева Ахаджона Шарипджановича, считать недействительной.

Утерянный план и договор купли-продажи квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Учтепинский р-н Чиланзар-13 д. 44 кв-ра 33, выданный БТИ А.Икрамовского (ныне Учтепинского) р-на г. Ташкента на имя Иззатуллаевой Нигоры Жорахановны, считать недействительным.

Утерянную справку № 3426 от 31.07.2012 г. о купле-продаже квартиры по адресу: г. Ташкент Чиланзар-13-36-13 на имя Mohd Haron Shir Mohd, считать недействительной.







ЧП "MOHI IRDIMZON" (ИНН 302287076), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар д. 20А, 14/1, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 17.09.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 549-52-12.

ООО "TEXNO KOMPRESSOR SERVIS" (ИНН 302214618), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского р-на г. Ташкента (реестр № 007362-10 от 23.02.2012 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Юнусабад-7-27-28/29, ликвидируется (Решение №2 от 15.09.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.




ЧП "YO'L HARAKAT SERVISI" (ИНН 203460473), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского р-на г. Ташкента (реестр № 000051-10 от 14.02.2005 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Юнусабадский р-н кв-л 7 д. 32 кв-ра 2, ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

Утерянную трудовую книжку на имя Ариповой (Исломова) Шохиды Тураевны, считать недействительной.

Утерянный аттестат O'R-B №020767, выданный в 1997 г. шк. № 47, Сергелийского р-на г. Ташкента на имя Ем Игнатия Георгиевича, считать недействительным.

ГУП Медцентр "Дипмедсервис" МИД РУ Мирабадского р-на г. Ташкента, зарегистрированный в Мирабадском Хокимияте 26.03.2008 г., согласно приказа учредителя МИД РУ №1182 от 13.09.2012 г. (ИНН 205889823), ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: ул. Узбекистанская, 9. Тел.: 232-04-87, 233-36-38.

Утерянную гувохному, выданную М.Улугбекским хокимиятом г. Ташкента на ООО "SABO-KONSULTING", считать недействительной.

ООО "EUROBASIS", Яккасарайского р-на г. Ташкента, сообщает об уменьшении уставного фонда с 2 117 137 870 сум до 1 000 000 000 сум. Тел.: 961-06-13.

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси жамоаси таҳририят ходими Озод Очиловга падари бузруквори **ҚИЛИЧ ОТА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:** **Қабулхона** — 236-58-83, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-56-30, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-56-21, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-28-04, **Факс** — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:** **Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 728-09-78; **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 247-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган ва Фарғона** – (+99890) 278-95-87; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар** – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

**Навбатчи муҳаррир:** Ҳ.МЎМИНОВ
**Мусаҳҳиҳ:** А.ЭЛМУРОДОВ
**Дизайнер:** М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-914, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.15
15803 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 3 4 5